

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2022 йил июнь ойининг 2 кунида Бухоро вилоят суди биносида,
жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очик суд мажлисида;

Раислик қилувчи: Ш.Қувватов,

Ҳайъат аъзолари: З.Курбонов ва Ш.Тўхтаевдан иборат таркибда,
А.Амоновнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят
прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими
прокурори Н.Қўлдошев, судланувчи Ж.Ибрагимов ва унинг адвокатлари
Л.Мокеева, Р.Садуллаев, судланувчи С.Кахаров ва унинг адвокати
О.Аслонов, судланувчи С.Шарапов ва унинг адвокати Х.Намозовларнинг
иштирокида, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2021 йил
10 декабрдаги ҳукмига нисбатан Бухоро шаҳар прокурори томонидан
билдирилган апелляция протести ҳамда С.Ибрагимовнинг адвокатлари
Л.Мокеева, Р.Садуллаев, судланувчи С.Шарапов ва унинг адвокати
Х.Намозов, судланувчи С.Кахаров ва унинг адвокати О.Аслоновлар
томонидан келтирилган шикоятлар асосида жиноят ишини апелляция
тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2021 йил
10 декабрдаги ҳукмига кўра:

1987 йил 2 декабрда Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек,
Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки
нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент
шаҳридаги “Green way” фирмасида курьер бўлиб
ишлаган, Бухоро шаҳри “Мохитабон” кўчаси 61-уйда
рўйхатда туриб, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
2-квартал, 49-уй, 14-хонадонда яшаган, иш бўйича
“Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси
қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини
олган Ибрагимов Жасур Жафаровичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в”
банди билан 10 (ўн) йил, 248-моддасининг 3-қисми билан 10 (ўн) йил
озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 59-моддасининг 3-қисми тартибида
тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил
10 (ўн) йилу 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1957 йил 20 январда Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек,
Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, етти
нафар фарзанди бор, муқаддам;



- 1) Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 1997 йил 11 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, 1998 йил 16 январда “...амнистия тўғрисида”ги фармонга асосан жазодан озод қилинган;
- 2) Бухоро шаҳар (собик)Тўқимачилик туман судининг 1999 йил 5 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 2-қисми “а,б” бандлари билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг 2012 йил 15 май кундаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 8 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 2016 йил 27 апрелдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 4 йил 2 ой 13 кун шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шarti билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2017 йил 23 февралдаги ажримига билан нафақа ёшига етганлиги сабабли ЖКнинг 75-моддасига асосан жазодан шартли равишда озод қилинган;
- 4) жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг 2017 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазосига судланган;
- 5) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2018 йил 4 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланилиб, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Учқудуқ туман судининг 2019 йил 22 май кундаги ажрими билан ЖКнинг 48¹-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 7 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга сутканинг соат 20:00дан соат 06:00гача яшаш жойидан чиқишини чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2020 йил 7 июлдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай



қолган 6 ойу 13 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, нафақада, Бухоро шаҳар, Алпомиш кўчаси, 5/2-уй, 40-хонадонда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нухасини олган Кахаров Самшеддин Мамадьяровичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум қилиш, 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан 5 йил озодликни чеклаш жазоси, ЖК 59-моддасининг 3-қисми ва 61-моддалари тартибида узил-кесил 10 (ўн) йилу 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

1979 йил 18 декабрда Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, Бухоро шаҳар, “Заргарон” кўчаси, 14-уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нухасини олган Шарапов Санжар Нематовичга,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан 10 (ўн) йил, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 4 йил, 25,273-моддасининг 2-қисми билан 5(беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддасининг 3-қисмига асосан узил-кесил 10 (ўн) йилу 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Иш бўйича Ж.Ибрагимов бошқарувидаги Тошкент шаҳар Сергели туманида жойлашган жарима майдонида сақланаётган “Спарк” русумли, 80L799NA давлат белгили автомашина ва ушбу автомашинадан тинтув жараёнида олинган Бухоро вилоят ИИБда сақланаётган жами 2.733.000 сўм пуллар, 100 АҚШ доллари, етти дона салфетка, уч дона писта қутилари, бир дона қора-кўл рангли “Iphone” русумли телефон апарати Ж.Ибрагимовнинг оила аъзоларига қайтарилиши белгиланган.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Бухоро вилоят ИИБ МТТ ва ХХда сақланаётган бир дона “Макаров” русумли, ЖК 1576-рақамли жанговор қурол ва 9 мм.ли 3 дона патронлар Бухоро вилоят ИИБ ихтиёрида қолдирилган.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Бухоро вилоят бошқармасига топширилган гиёҳвандлик воситалари йўқ қилиниши белгиланган.

Иш бўйича тарафларга И.Саломовнинг уйида ўтказилган тинтув вақтида олинган ашёлар ва жарима майдонида сақланаётган “Ласетти” русумли 01 Z 779 WA давлат белгили автомашина масласи жиноят ишининг И.Саломовга нисбатан бўлган қисми билан ҳал қилиниши тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Ибрагимов Жасур Жафарович, қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, тегишли рухсатномасиз ўқотар



курол ва ўқ-дориларни ўтказиш ҳамда бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, иштирокчиликда ўқотар куролдан фойдаланиб, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, босқинчилик жиноятларини содир қилишга суиқасд қилган.

Чунончи, Ж.Ибрагимов, жиний шериги О.Ахмадовни келгусида Бухоро тумани “Зарманок” МФЙ “Хўжахайрон” қишлоғида яшовчи фуқаро Артиков Насрулло Асадовичнинг яшаш уйига С.Шарапов ва С.Кахаровлар ёрдамида ғайриқонуний равишда кириб, куролдан фойдаланиб, босқинчилик қилиб, Н.Артиковнинг катта миқдордаги пул маблағлари ва тилло буюмларини эгаллашга ёрдам бериш учун 2021 йил 16 апрель куни соат 09 ларда Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Муқимий кўчасининг 4-уйи олдида тегишли рухсатномасиз сақлаб келинаётган 2021 йил 18 апрелдаги Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 699-сонли хулосасига кўра жангавор ҳолатдаги 9 мм. калибрли, ЖК 1576-рақамли “Макаров” конструкцияли (ПМ) тўппончасини ва 6 (олти) дона патронларни қонунга хилоф равишда О.Ахмадовга ўтказган.

Бироқ, О.Ахмадов содир этилиши лозим бўлган жиноят ҳақида ИИБ ходимларига хабар бериб, ушбу куролни топширганлиги сабабли мазкур жиноят ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмасдан қолган.

Судланувчи Кахаров Самшеддин Мамаджарович, қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, иштирокчиликда ўқотар куролдан фойдаланиб, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, босқинчилик қилишга суиқасд қилиш ва илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс бўла туриб, ўтказиш мақсадини кўзламасдан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сақлаш жиноятларини содир қилган.

Чунончи, С.Кахаров жиний шериги О.Ахмадовни келгусида Бухоро тумани Зарманок МФЙ “Хўжахайрон” қишлоғида яшовчи фуқаро Артиков Насрулло Асадовичнинг яшаш уйига ўзи ва С.Шарапов ёрдамида ғайриқонуний равишда кириб, куролдан фойдаланиб, босқинчилик қилиб, Н.Артиковнинг катта миқдордаги пул маблағлари ва тилло буюмларини эгаллашига ёрдам беришга суиқасд қилган.

Бироқ, О.Ахмадов содир этилиши лозим бўлган жиноят ҳақида ИИБ ходимларига хабар бериб, ушбу куролни топширганлиги сабабли мазкур жиноят ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмасдан қолган.

Бундан ташқари, С.Кахаров 18.04.2021 йил 18 апрель куни соат 11:50ларда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланганидан сўнг келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай шахсий истеъмоли учун (24.04.2021 йилдаги Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 105-сонли хулосасига кўра) таркибида соф оғирлиги 2,04 грамга тенг бўлган опий гиёҳванд моддасини қора рангдаги ич кийими (трусиги)да ивитиб сингдирган ҳолатда қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги Бухоро вилоят ИИБ



ППХ ва ЖТСБга қарашли ВСХ ва вилоят ИИБ ходимлари томонидан аниқланган ва тегишли тартибда ҳужжатлаштирилган.

Шунингдек, С.Кахаровнинг яшаш хонадони ҳисоблаган Бухоро шаҳри “Алпомиш” кўчаси 5/2-уйнинг 40-хонадониди ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тинтув давомида келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай умумий соф оғирлиги 0,75 граммга тенг бўлган “Трамадол” гиёҳвандлик воситаси (Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 26.04.2021 йилдаги 110-сонли хулосасига кўра) бўлган ҳамда соф оғирлиги 0,16 граммга тенг бўлган гашиш гиёҳвандлик воситаси ва 4,16 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги опий гиёҳвандлик воситасини (Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 01.05.2021 йилдаги 113,114-сонли хулосаларига кўра) қонунга хилоф равишда сақлаётганлиги аниқланган.

Судланувчи Шарапов Санжар Нематович, қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, иштирокчиликда ўқотар қуролдан фойдаланиб, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, босқинчилик жиноятини содир этишга суиқасд қилиш ва ўтказиш мақсадини кўзламасдан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ёнидаги рўмолчасида сақлаш ҳамда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказишга суиқасд қилиш жиноятларини содир қилган.

Чунончи, С.Шарапов жинойий шериги О.Ахмадовни келгусида Бухоро тумани Зарманок МФЙ “Хўжахайрон” кишлоғида яшовчи фуқаро Артиков Насрулло Асадовичнинг яшаш уйига ўзи ва С.Кахаров ёрдамида ғайриқонуний равишда кириб, қуролдан фойдаланиб, босқинчилик қилиб, Н.Артиковнинг катта миқдордаги пул маблағлари ва тилло буюмларини эгаллашига ёрдам беришга суиқасд қилган.

Бироқ, О.Ахмадов содир этилиши лозим бўлган жиноят ҳақида ИИБ ходимларига хабар бериб, ушбу қуролни топширганлиги сабабли мазкур жиноят ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмасдан қолган.

Бундан ташқари, С.Шарапов 2021 йил 18 апрель куни соат 11.40ларда ЖПКнинг 221-моддаси тартибда ушланганидан сўнг келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай, шахсий истеъмоли учун (24.04.2021 йилдаги Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 106-сонли хулосасига кўра) таркибиди соф оғирлиги 2,91 грамга тенг бўлган опий гиёҳванд моддасини чўнтагидаги рўмолчасига ивитиб сингдирган ҳолатда қонунга хилоф равишда сақлаётганлиги Бухоро вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга қарашли ВСХ ва вилоят ИИБ ходимлари томонидан аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштирилган.

Шунингдек, С.Шараповнинг яшаш хонадони ҳисоблаган Бухоро шаҳри “Заргарон” кўчасида жойлашган 14-сонли яшаш хонадониди ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тинтув давомида (Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 108-сонли хулосасига кўра) соф оғирлиги 51,09 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги опий гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказишга суиқасд қилганлиги аниқланган.

Апелляция протестида, судланувчилар Ж.Ибрагимов, С.Кахаров ва С.Шараповларнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,25,97-моддаси



2-қисмининг “а,ж,и,п” бандлари асоссиз чиқарилганлиги сабабли уларни шу модда билан айбли деб топиш ҳақида янги айблов ҳукми чиқариш сўралган.

Шунингдек, мазкур апелляция протестига киритилган қўшимчада, суд ҳукмини бекор қилиб, судланувчилар Ж.Ибрагимовга ЖК 28,25,97-моддаси 2-қисмининг “а,ж,и,п” бандлари, ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 248-моддасининг 3-қисми, С.Кахаровга ЖК 28,25,97-моддаси 2-қисмининг “а,ж,и,п” бандлари, ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, С.Шариповга ЖК 28,25,97-моддаси 2-қисмининг “а,ж,и,п” бандлари, ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 25,273-моддасининг 2-қисми санкцияси доирасида оғирроқ жазо тайинлаш сўралган.

Судланувчи С.Шарапов ва адвокат Х.Намозов билан биргаликда берган шикоятда, уни иштирокчиликда босқинчилик жиноятини содир этишда суиқасд қилишда айбланиш учун асослар мавжуд эмаслиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан оқлов ҳукми чиқаришни, шунингдек унда гиёҳвандлик воситасини сотиш ёки ўтказиш мақсади бўлмаганлиги сабабли ҳаракатларини ЖК 25,273-моддасининг 2-қисмидан 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилиб, унинг илгари судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, тайинланган жазони озодликни чеклаш жазосига ўзгартириш сўралган.

Адвокат Л.Мокеева шикоятда, Ж.Ибрагимовни ўқотар қуролини ўтказишдаги айбига О.Ахматовнинг тасдиқланмаган кўрсатувлари асос қилинганлигини, ишда Ж.Ибрагимовнинг мазкур айбини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖК 248-моддасининг 3-қисми билан оқлов ҳукми чиқариб, О.Ахмедовнинг ўзини ноқонуний ҳаракатларига баҳо беришни, шунингдек Ж.Ибрагимовнинг ҳаракатларида босқинчилик жинояти аломатлари ҳам мавжуд эмаслиги сабабли мазкур айб эпизоди юзасидан унга оқлов ҳукми чиқаришни, “Спарк” русумли автомашина ва Ж.Ибрагимовдан олинган ашёларни қайтаришни сўраган.

Адвокат Р.Садуллаев ўз шикоятда, Ж.Ибрагимовнинг фуқаро Н.Артиковнинг уйида содир этилиши мумкин бўлган жиноятдан умуман беҳабар эканлиги, иш бўйича бошқа судланувчилар Ж.Ибрагимовни танимасликлари каби асослар бўлса-да, суд мазкур ҳолатларни инобатга олмасдан Ж.Ибрагимовни ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан айбли деб топиб, ноқонуний тўхтамага келганлигини, шунингдек, О.Ахмедов 2021 йил 14 апрелда жиноят ҳақида ариза берган бўлса-да, мазкур ариза 15 апрелда ИИБда рўйхатга олиниб, қонун талаблари бузилганлиги, айбловда гўёки Ж.Ибрагимов қуролни О.Ахмедовга берганлиги қайд этилганлиги бироқ, Ж.Ибрагимов жиноят устида қўлга олинмаганлигини, шунингдек жабрланувчи деб эътироф этилган М.Хамроевнинг кўрсатувлари тўлиқ муҳокама қилинмасдан барвақт хулосага келинганлигини, Ж.Ибрагимовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлигини



инобатга олиб, суд ҳукмини бекор қилиб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Адвокат О.Аслонов судланувчи С.Кахаров билан биргаликда берган шикоятда, О.Ахмедов С.Кахаровга фуқаро Н.Артиковнинг уйига ўғирлик ёки босқинчилик йўли билан унинг мол-мулки ва пулларини олишни айтганда С.Кахаров рад жавобини берганлигини, мазкур ҳолатни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб баҳолаб, С.Кахаровга ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан оқлов ҳукми чиқаришни, ЖК 276-моддасининг 2-қисми билан унинг қилмишидан пушаймонлигини, 60 ёшдан ошганлигини, МФЙ томонидан ижобий тавсифланишини инобатга олиб, мазкур модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш сўралган.

Судлов ҳайъати, судья Ш.Тўхтаевнинг маърузасини, прокурор Н.Кулдошевнинг протестни қаноатлантириш, судланувчи ва уларнинг адвокатлари томонидан келтирилган шикоятларни рад этиш, адвокатлар Х.Намозов, О.Аслонов, Л.Моқеева, Р.Садуллаев ҳамда судланувчилар Ж.Ибрагимов, С.Кахаров ва С.Шараповларнинг билдирилган протестни рад қилиб, ўзлари томонидан киритилган шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги музокара сўзларини ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзларини тинглаб, протест ва шикоятларда келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари асосида текшириб, қўйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинган судланувчи С.Шарапов ўз кўрсатувида, 2020 йил август ойида С.Кахаров билан Андижон вилоятига усталарни гаплашиш учун борганлигини, у ердан Тошкент шаҳрига қайтиб, меҳмонхонада жойлашиб, кейин бозорга борганларида С.Кахаровга таниши И.Саломов кўнғироқ қилганлигини, кейин биргаликда И.Саломовни уйига боришганлигини, И.Саломовни ўша ерда биринчи марта кўрганлигини, И.Саломовни олдиндан танимаганлигини, улар тадбиркорлик бўйича суҳбатлашганликларини, у И.Саломовга металл дарвоза тайёрлаш билан шуғулланишини айтганлигини, И.Саломов чет давлатдан Ўзбекистонга темир металл олиб киришини айтиб, шу бизнес ҳақида маслаҳатлашганликларини, ўзаро суҳбатда И.Саломовга Н.Артиковни пули борлигини, у билан гаплашишини, молиявий томондан таъминласа бирга тадбиркорликни йўлга қўйиши мумкинлиги ҳақида ҳам айтганлигини, эртаси куни Бухоро шаҳрига қайтиб келганлигини, И.Саломов 2021 йил апрель ойи ўрталарида унга кўнғироқ қилиб, Н.Артиковнинг уйини сўраб, унга Н.Артиковнинг уйини “геолокация” манзилни юборишни айтганлигини, у Н.Артиковни уйи олдида бориб, телефонидан “геолокация” ташлаб, уйни дарвозасини расмини И.Саломовга юборганлигини, шундан кейин О.Ахмадов унга кўнғироқ қилиб, “Бухоро Гранд” меҳмонхонаси олдида келишни айтганлигини, у ерга Ш.Кахаров билан бирга борганлигини, О.Ахмадов уларга Н.Артиковнинг уйига ўғирликка боришни, буни И.Саломов айтганлигини билдирганлигини, у О.Ахмадовга рад жавобини айтганлигини, кейинчалик ИИБ вақтинча сақлаш хибсхонасида унинг қўл рўмолчасида опий гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланганини,



рўмолчасига ўзи истеъмол қилиш учун опий моддасини шимдириб олганини, уйда ўтказилган тинтув давомида ҳам ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб келаётган опий гиёҳванд моддаси борлиги аниқланганини, гиёҳвандлик моддасини сотиш нияти бўлмаганини, уни босқинчилик қилиш нияти бўлмаганини, О.Ахмадов ўғирликка киришни айтганида, у рад этганлигини, қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик моддасини сақлаб келганлиги ҳолати юзасидан қилмишидан пушаймондалигини билдириб, оилавий шароитини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинган судланувчи С.Кахаров ўз кўрсатувида, И.Саломовни ёшлигидан танишини, уни акаси Рахматилло билан яқин бўлганлигини, О.Ахмадов билан жазони ижро этиш колониясида бирга жазо ўтаганлигини, 2020 йил сентябрь ойида С.Шарапов билан бирга Андижон вилоятидан қайтишда Тошкент шаҳрида И.Саломов меҳмонга чақирганлигини, кейин С.Шарапов билан бирга И.Саломовнинг уйига борганлигини, у ерда бизнес ҳақида гаплашишганлигини, ўғирлик ҳақида гап бўлмаганлигини, Бухорога қайтишда йўлда С.Шарапов унга И.Саломовга бизнесга Н.Артиковни шерик қилиш ҳақида айтганлигини билдирганлигини, 2021 йил 17 апрель куни О.Ахмадов унга телефон қилиб, “Бухоро Гранд” меҳмонхонаси олдига келишини, гаплашиб олишини айтганлигини, у С.Шарапов билан бирга О.Ахмадовнинг олдига борганлигини, О.Ахмадов унга Н.Артиковни уйига ўғирликка тушмоқчи эканлигини, иккита шериги меҳмонхонада эканлигини айтганлигини, унга ҳам бирга боришни айтганлигини, у унга рад жавобини бериб, бу фикрдан қайтишини айтганлигини, кейин уйига қайтиб келганлигини, шу куни соат 23:00ларда ИИБ ходимлари уйига келганлигини, олдида гиёҳвандлик воситаси борлиги учун кўрққанидан эшикни очмаганлигини, шунда ИИБ ходимлари эшикни мажбуран очиб ичкарига киришиб, уни ИИБ биносига олиб боришганлигини, касаллиги борлиги учун гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилишини, шунинг учун гиёҳвандлик моддасини эгнидаги майкасига шимдириб олганлигини, кейин ИИБ ходимлари ундан майкасини олишганлигини, ИИБ ходимлари бир неча марта уйда тинтув ўтказиб, гиёҳвандлик моддасини топа олишмаганлигини, кейин ўзи ИИБ ходимларига уйда яшириб қўйган гиёҳвандлик воситалари сақланаётган жойни айтганлигини, ИИБ ходимлари у айтган жойдан ҳам гиёҳвандлик моддаларини топа олишмаганидан сўнг, ўғлига телефонда айтиб турганлигини, кейин гиёҳвандлик моддаларини у айтган жойдан олишганлигини, гиёҳвандлик воситасини бировга сотиш мақсади бўлмаганлигини, фақат ўзининг истеъмоли учун сақлаб келганлигини, О.Ахмадов уларга “пистолет” кўрсатмаганлигини, Ж.Ибрагимовни танимаслигини, уни тергов ҳибсхонасида таниганлигини, у И.Саломов билан ўғирлик ёки босқинчилик ҳақида гаплашмаганлигини, О.Ахмадов ўғирликка кирмоқчи бўлганлигини айтганида, уни йўлдан қайтаришга ҳаракат қилганлигини, И.Саломовга телефон қилиб, О.Ахмадовни қайтаришни айтганлигини, бунда унинг айби йўқлигини, биринчи инстанция суди ушбу ҳолатларни инобатга олмасдан оғир жазо тайинлаганлигини, юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.



Апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинган судланувчи Ж.Ибрагимов ўз кўрсатувида, у Саломов Ихтиёрни уйига Ф.Саломов билан бирга маракага борганлигини, у ерга Ахмадов Отабек ҳам келганлигини, улар гаплашиб ўтирганлигини, у ўша ерда чой дамлаб ўтирганлигини, И.Саломов унга “Отабекка машинангни бериб тур” деганлигини, у машинада келмаганлиги учун эртага бериб юборишини айтганлигини, эртаси куни О.Ахмадов унга кўнғироқ қилиб, машинани Келес мостини олдига олиб келишни айтганлигини, Келес мости у турган жойдан узок бўлганлиги сабабли О.Ахмадовга у ерга бормаслигини, машинани келиб олиб кетишини айтганлигини, шунда О.Ахмадов унга эртаси куни автомашинани ўзи бориб олишини айтганлигини, эртаси куни О.Ахмадов телефон қилиб, қаерда эканлигини сўраганлигини, унга Чилонзор тумани “Ҳамза” метросини олдида эканлигини айтганлигини, кейин “Ҳамза” метросидан ўтиб “Мукумий” кўчасида тўхтаганлигини, машинадан тушиб йўл четида савдо қилиб турган аёлдан нос ва сув олаётган вақтида О.Ахмадов унга телефон қилиб “бўлди менга машина керак эмас” деб айтганлигини, шундан сўнг у яна ўзини ишлари билан кетганлигини, шундан кейин О.Ахмадовни бирор марта ҳам кўрмаганлигини, О.Ахмадовга қурол бермаганлигини, уни автомашинасида қурол бўлмаганлигини, суд мажлисида намойиш этилган видеотасвирдаги “Спарк” автомашинаси унга тегишли бўлганлиги ва автомашинадан тушган киши ўзи эканлигини, бу тасвирлар у автомашинасини “Ҳамза” метроси олдида О.Ахмадовга бериш учун олиб борган пайтдаги ҳолат эканлигини билдириб, ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлигини сабабли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинган жабрланувчи Н.Артиков ўз кўрсатувида, дастлабки тергов ва биринчи босқич судида берган кўрсатмаларини тасдиқлашини, ИИБ ходимлари уни чақиришганлигини, унга уйига босқинчиликка киришлари бўйича маълумот борлиги, улар уни уйида ўтириб, уларни ҳимоя қилиб, уларни ушлашларини айтишганлигини, кейин ИИБ тезкор ходимлари уни уйига 5-6 кун қолиб, автоматлар билан қўриқлашганлигини, шундан кейин улар унга уни уйига босқинчиликка кирмоқчи бўлганларни ушлашганликларини айтишганлигини, ИИБ биносига чақириб унга тўппонча кўрсатишганлигини, тўппончани олтига ўқи ҳам бўлганлигини, ўша вақт уни уйида ҳам олти киши яшаганлигини, судланувчиларни танимаслигини, фақат С.Шараповни яхши танишини, раҳбар бўлиб ишлаган даврида қўл остида ишлаганлигини, судланувчиларга нисбатан даъвоси борлигини, уларга қонуний чора кўришни кўришни сўради.

Апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинган гувоҳ И.Саломов ўз кўрсатувида, судланувчиларга қўйилган айбловдан хабари борлигини, буларни ҳеч қандай айби йўқлигини, Ахмадов Отабекни ундан 40.000 АҚШ доллари қарзи борлигини, ана шу қарзини бермаслик учун шу ишлари уюштирганлигини, ИИБ ходимлари билан тадбир қилишганлигини, Отабек унга пулини беришини айтиб алдаб юрганлигини, рўза ойида Отабек Тошкент шаҳрига уни олдида келганлигини, меҳмони борлигини, автомашина топиб беришни сўраганлигини, кейин у жияни Ибрагимов



Жасурга автомашинасини Отабекка беришини айтганлигини, тергов ва судда Отабекни кўрсатмаси инobatга олинганлигини, уни кўрсатмаси инobatга олинмаганлигини, чунки Отабек ИИБ ходимларининг одами бўлганлигини, терговчи ундан кўрсатма олмаганлигини, уни сўроқ қилишмаганлигини, терговчи ўзи ёзган кўрсатмани олиб келиб имзолатиб, эътирозини судга айтишини билдирганлигини, у Отабекка куrol бермаганлигини, Отабекка куrol берган бўлса ўша вақт жиноят устида тадбир қилиб ушлашлари мумкин бўлганлигини, у ҳеч кимга гиёҳвандлик воситасини бермаганлигини, ушбу ҳолатлар бўйича юзлаштириш ўтказишни айтганлигини, терговчи юзлаштирмаганлигини билдирди.

Судланувчи Ж.Ибрагимов, С.Кахаров ва С.Шараповларнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, гарчи Ж.Ибрагимов айбига иқrorлик билдирмаган, С.Кахаров ва С.Шараповлар айбларига қисман иқrorлик билдирган бўлсаларда, уларнинг суд ҳукмида қайд этилган жиноятлар содир этишдаги айби жиноят ишида мавжуд ва суд мажлисида муҳокама қилинган далиллар, яъни О.Ахмадовнинг аризалари, аризага илова қилинган дискдаги ёзувлар, нарсани кўздан кечириш ва олиб кўйиш ҳақида баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, унда О.Ахмадов фуқаро Н.Артиковнинг уйига босқинчилик қилишда фойдаланиши учун унга берилган тўппонча ва олти дона жанговор патронларни топширган, дискдаги овозли ёзувларни қайд этиш баённомаси, ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва видеоёзувлар, экспертиза хулосалари, фотоловалар, тинтув баённомалари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига кўшиш ҳақида қарорлар, тинтув баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган бўлиб, мазкур далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Апелляция инстанцияси суди, протестда ва ушбу протестга киритилган кўшимчада келтирилган, судланувчилар Ж.Ибрагимов, С.Кахаров ва С.Шараповларнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,25,97-моддаси 2-қисмининг “а,ж,и,п” бандлари асосиз чиқарилганлиги сабабли уларни шу модда билан айбли деб топиш ҳамда оғирроқ жазо тайинлаш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, куйидагича хулосага келишни лозим топди.

Биринчи инстанция суди, судланувчиларнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,25,97-моддаси 2-қисмининг “а,ж,и,п” бандларини чиқарган.

Чунки, қасддан одам ўлдириш жинояти бу моддий таркибли жиноят бўлиб, судланувчиларнинг ҳаракатларида мазкур жиноятнинг зарурий белгилари мавжуд эмас.

Шунингдек, қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш жинояти ҳам фақат тўғри қасд билан содир этилиши лозим.

Бунда, айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва уни ўлдиришни истаган бўлиши, бироқ ўлим айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра келиб чиқмаслиги лозим.



Бироқ, судланувчиларнинг ҳаракатларида иштирокчиликда қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш жиноятининг мазкур зарурий балгилари мавжуд эмас.

Шу сабабли, биринчи инстанция суди, судланувчиларнинг айбидан мазкур моддани чиқариб, асосли хулосага келган.

Бундан ташқари, апелляция протестига киритилган қўшимчада, Ж.Ибрагимовга ЖК 28,25,97-моддаси 2-қисмининг “а,ж,и,п” бандлари, ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 248-моддасининг 3-қисми, С.Кахаровга ЖК 28,25,97-моддаси 2-қисмининг “а,ж,и,п” бандлари, ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, С.Шариповга ЖК 28,25,97-моддаси 2-қисмининг “а,ж,и,п” бандлари, ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 25,273-моддасининг 2-қисми санкцияси доирасида оғирроқ жазо тайинлаш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁹-моддасида, апелляция шикоят (протести) берган шахс апелляция инстанцияси судининг мажлиси бошлангунига қадар уни ўзгартиришга ёки янги важлар билан тўлдиришга ҳақли эканлиги, ҳукм устидан шикоят (протест) бериш муддати ўтганидан кейин берилган апелляция протестига, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг апелляция шикоятига ўзгартириш ёки қўшимча киритишда маҳкумнинг аҳволини оғирлаштириш тўғрисида масала, агар бундай талаб дастлабки шикоятда, протестда мавжуд бўлмаса, қўйилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 8-бандида, жиноят процесси иштирокчисининг ўз шикояти (протести)га ўзгартириш киритиш ҳуқуқи апелляция инстанцияси суди мажлиси бошлангунга қадар амалга оширилиши мумкинлиги, бироқ, ЖПК 497⁹-моддаси **иккинчи қисмига** мувофиқ, апелляция шикояти (протести) важларини маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга фақат суд қарори устидан шикоят (протест) бериш учун белгиланган муддатда ўзгартирилишига йўл қўйилиши, ЖПК **497⁴-моддасида** белгиланган муддатлар ўтгандан сўнг берилган, маҳкумнинг аҳволини оғирлаштиришга қаратилган талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмайди, шу жумладан, ўтказиб юборилган апелляция шикояти (протести) бериш муддати тиклангандан сўнг берилган бундай талаблар деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Жиноят ишида мавжуд ҳужжатларга кўра, суд ҳукми 2021 йил 10 декабрь кунида эълон қилинган, Бухоро шаҳар прокурори томонидан мазкур суд ҳукмига нисбатан 2021 йил 30 декабрь кунида протест киритилган, ушбу протестга 2022 йил 17 январда қўшимча киритилган.

Суд ҳукмига нисбатан протест қонунда белгиланган муддатда берилган бўлса-да, бироқ протестга киритилган қўшимча суд ҳукмига нисбатан шикоят қилиш учун қонунда белгиланган муддат ўтгандан сўнг берилган ва унда дастлабки протестда мавжуд бўлмаган судланувчиларнинг аҳволини оғирлаштиришга қаратилган бошқа талаблар қўйилган.



Юқоридагиларга асосан судлов ҳайъати протестга киритилган кўшимчани кўриб чиқмасликни лозим топади.

Апелляция нистанцияси суди, судланувчи ва уларнинг адвокатлари томонидан келтирилган уларнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, қуйидагича хулосага келишни лозим топди.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Ж.Ибрагимов, С.Кахаров ва С.Шараповлар ўзларининг жиноий шериклари билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, жабрланувчи Н.Артиковда жуда катта миқдорда пул маблағлари ва тилло буюмларини эгаллаш мақсадида унинг Бухоро тумани “Зарманок” МФЙ “Хўжахайрон” қишлоғида жойлашган уйига бостириб кириш режасини илгаридан тузишган.

Бунда, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар ўзаро тақсимланган.

Хусусан, С.Ибрагимов ва унинг жиноий шериклари томонидан судланувчилар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, босқинчилик жиноятини содир этишда фойдаланиш учун қурол яъни, “Макаров” тўппончаси ва 6 дона патронлар билан таъминланган.

Бундан ташқари, С.Шарапов ва С.Кахаровлар томонидан жабрланувчи Н.Артиковнинг уйида жуда кўп миқдордаги пул маблағлари ва тилло буюмлари борлиги тўғрисида маълумотлар ҳамда жабрланувчи Н.Артиковнинг уйини жойлашиш ўрни геолокацияси ҳамда фотосуратлари олиниб, жиноий гуруҳ аъзолари эътиборига етказилган ва жиноий гуруҳ томонидан Н.Артиковнинг уйида босқинчилик қилиш ҳаракатлари бошланган.

Бироқ, О.Ахмадов содир этилиши лозим бўлган жиноят ҳақида ИИБ ходимларига хабар бериб, юқорида қайд этилган қуролни топширганлиги сабабли мазкур жиноят ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмасдан қолган.

Бундай ҳолда, адвокат О.Аслоновнинг шикоятда келтирган судланувчи С.Кахаровнинг ҳаракатини жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб баҳолаб, унга мазкур айб эпизоди юзасидан оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важларини ҳам асосли деб бўлмайди.

Апелляция нистанцияси суди, судланувчи С.Шарапов ва унинг адвокати Х.Намозовларнинг шикоятларида келтирилган С.Шараповда гиёҳвандлик воситасини сотиш ёки ўтказиш мақсади бўлмаганлиги сабабли унинг ҳаракатларини ЖК 25,273-моддасининг 2-қисмидан 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилиш ҳақидаги важларини рад қилишни лозим топди.

Чунки, судланувчи С.Шарапов ўзининг яшаш хонадони ҳисоблаган Бухоро шаҳри “Заргарон” кўчасида жойлашган 14-уйда соф оғирлиги 51,09 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги опий гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказишга суиқасд қилган.

Яъни, судланувчи С.Шараповдан унинг истеъмол қилишини истисно этадиган миқдорда гиёҳвандлик моддаси олинган.



Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 3 июлдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 25-бандида, айбдорга гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказишга қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги қайд этилган.

Бундай далилларга, масалан гиёҳвандлик воситаларининг фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги мисол бўлиши, бунда айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ишда тўпланган далиллар ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларидан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди С.Шараповнинг ҳаракатларини ЖК 25,273-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Апелляция нистанцияси суди, адвокат Л.Мокеева ва Р.Садуллаевларнинг шикоятларида келтирган, ишда Ж.Ибрагимовни ўқотар куралини ўтказишдаги айбини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигини, Ж.Ибрагимов жиноят устида қўлга олинмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖК 248-моддасининг 3-қисми билан оқлов ҳукми чиқариб, О.Ахмадовнинг ўзини ноқонуний ҳаракатларига баҳо бериш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, қуйидагича хулосага келишни лозим топди.

Жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида муҳокама қилинган далилларга кўра, судланувчи Ж.Ибрагимов Тошкент шаҳрида О.Ахмадовга бир дона Макаров русумли тўппонча ва 6 дона патронларни қонунга хилоф равишда ўтказган.

О.Ахмадов ўзининг дастлабки терговда берган тушунтириш хатида ҳақиқатдан ҳам 2021 йил апрель ойида Ж.Ибрагимов унга қўнғироқ қилиб, нарсани олиб борайми деб айтганида, унга бу томонга келмасликни, чунки Келес постида қаттиқ текширишларини айтиб, эртаси куни олишини билдирганлигини, эртаси куни Ж.Ибрагимов билан гаплашиб, Тошкент шаҳридаги Ҳамза метросидан ўтгандан сўнг Ж.Ибрагимовнинг Спарк русумли автомашинасининг олд томон йўловчи ўриндиғи тагидан тўппончани олиб, ўзи билан Бухорога олиб келиб, ИИБ ходимларига топширганлигини баён қилган.

Бухоро вилоят ИИБ ходимлари томонидан 2021 йил 17 апрелда тузилган нарсани кўздан кечириш ва олиш ҳақидаги баённомада, О.Ахмадов Тошкент шаҳрида яшовчи И.Саломовдан унинг таниши Ж.Ибрагимов орқали Тошкент шаҳрида олган бир дона ЖК 1576 рақамли ПМ тўппончаси ва 6 дона 9 ММ.ли жанговор патронларни ўз ихтиёри билан топширганлиги қайд этилган ва баённомага мазкур тўппонча сурати илова қилинган.

Судга оид баллистик экспертизасининг 2021 йил 18 апрелдаги 699-сонли хулосасида, тадқиқотга тақдим этилган қурол 1990 йилда Россия қурол заводида ишлаб чиқарилган, 9 мм. калибрли ЖК 1576-рақамли Макаров



конструкцияли ПМ тўппончаси ҳисобланиб, жанговар ўқ-отар қуроллар туркумига кириши ва отиш учун яроқли эканлиги, шунингдек 6 дона 9 мм. патронлар ҳам жанговар ҳисобланиши қайд этилган.

Дастлабки терговда адвокати иштирокида сўроқ қилинган Ж.Ибрагимов, Ахмадов Отабек 2021 йил апрель ойида унга телефон қилиб, “Спарк” русумли автомашинасини бериб туришини айтганида, И.Саломовнинг розилиги билан автомашинани унга бериб туришга рози бўлганлигини, эртаси куни О.Ахмадовга қўнғироқ қилиб, автомашинани Тошкент шаҳридаги Чилонзор туманида жойлашган “Макро” гипермаркети олдида келаверишини, автомашинани гипермаркет охиридан тахминан 30-40 метрлар ўтиб қолдиришини айтганида, уни кўриб турганлигини, шу сабабли автомашинани очик ҳолатда қолдиришини, автомашина калитини ўзида қолдиришни айтганлигини, у автомашинани эшикларини очик қолдириб, тахминан 60-80 метр юрганидан сўнг О.Ахмадов унга қўнғироқ қилиб, автомашинасини олиб кетиши мумкинлигини айтгани учун орқасига қайтиб, автомашинасига ўтириб, бошқариб кетганлигини баён қилган.

Шунингдек, О.Ахмадов ўзининг дастлабки терговда берган кўрсатувида, Саломов Ихтиёр унга Бухоро шаҳрига борганидан сўнг Ибрагимов Жасур унга қурол беришини айтганлигини, уйига бориб Бухоро шаҳрига бориш учун кийимларини алмаштириб турган вақтида И.Саломов қўнғироқ қилиб, қурол ва ўқ-дориларни Ж.Ибрагимов унга Тошкент шаҳрида беришини айтганлигини, эртаси куни соат 10 ларда Ж.Ибрагимов ўзининг 99893-383-71-70 рақамли телефонида қўнғироқ қилиб, Тошкент шаҳридаги Ҳамза ва Тинчлик метро бекатларини ўртасида жойлашган “Чинор” кафеси рўпарасида оқ рангли “Спарк” русумли автомашинаси ўриндиғининг тагида қуролни қолдириб кетишини, у эса шу жойдан олишини тайинлаганлигини, Ж.Ибрагимов айтганидек у автомашинанинг олд ўриндиғи тагидан қуролни олиб, ўзига тегишли қора рангли Ласетти русумли 01/092 давлат белгили автомашинасида Бухоро шаҳрига келганлигини ва ИИБга Ж.Ибрагимовдан олган қурол ва унинг патронларини топширганлиги тўғрисида кўрсатув берган.

О.Ахмадовнинг ушбу кўрсатувлари суд мажлисида томонлар иштирокида телевизорга қўйиб, муҳокама қилинган видео тасвирлар билан тасдиқланади.

Дастлабки тергов органи томонидан О.Ахмадовнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилган.

Яъни, 2021 йил 16 июлдаги жиноят ишини бир қисмини ҳаракатдан тугатиш тўғрисидаги қарорга асосан мазкур жиноят иши бўйича Ахмадов Отабек Иззатовичнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилган.

Ишда тўпланган бу далиллар Ж.Ибрагимовнинг ҳаракатларида ўқотар қуролни, ўқ-дориларни ўтказиш жинояти аломатлари бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги вазларни инкор этади.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди судланувчи Ж.Ибрагимовнинг жинойи ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 248-моддасининг 3-қисми



билан, С.Кахаровнинг жиноий ҳаракатлари ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан, С.Шараповнинг жиноий ҳаракатлари ЖК 28,25,164-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 25,273-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган ва уларга нисбатан жазо тури ҳамда миқдорини тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, улар айбланаётган моддалар санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш хусусида асосли хулосага келган деб ҳисоблайди.

Баён қилинганларга асосан, судлов ҳайъати биринчи босқич суди ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷⁻¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2021 йил 10 декабрдаги Ибрагимов Жасур Жафарович, Кахаров Самшеддин Мамадиярович ва Шарапов Санжар Нематовичарга оид ҳукми ўзгаришсиз, билдирилган апелляция протести ва келтирилган апелляция шикоятлари каноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят келтиришга, протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи :	/имзо/	Ш.Қувватов
Ҳайъат аъзолари :	/имзо/	З.Қурбонов
	/имзо/	Ш.Тўхтаев

Нусхаси аслига тўғри: Ш.Тўхтаев

Маърузачи: Тўхтаев Шухрат Амонжонович

